

# ХАЛҚЛИК СЎЗВИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 ЯНВАРЬ, ШАНБА. № 11 (759).  
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

## ҲАМДУСТЛИКДА ҲИЖМАТ КЎП

Республикамиз Президентининг Қирғизистонга бўлажак сафари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамроқ боғлаши, ўзаро муносабатларимизни юқори поғонага кўтаришига шак-шубҳа йўқ

Қирғизистон ҳақида, унинг халқи тўғрисида гап кетар экан, даставвал, шу юртдан, шу халқ орасидан чиққан машҳур ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг қаҳрамонлари кўз ўнгинида гавдаланади.

Чунки Қазанга, Эдигей, Найман она, Ойзода, Ўстон, Эрнатар ва Гулимхон сингари сиймолар оқил, собит, эзгулик учун курашувчи инсонлар сифатида халқимизнинг қалбидан жой олган. Бунинг тўб сабаблари бор. Тарихи, маданияти, дини, эътиқоди, ери бир ўзбек ҳам, қирғиз ҳам, аслида, ягона туронамин фарзанди, бир ўзанинг ирмоқлари ҳисобланади. Умумий турғун озаки ижод намуналаридан бўлмиш Манас ва Алтомонидидаги қонқардошлик, руҳан яқинлик туйғулари бу тарихий бирликнинг муъжаз тисоли. «Бўлиб юбору идора қил» деган «Ашғум нақл кучга кирган, табиат ва жамиятнинг бузилишидан келиб чиққан фожеаларга бой шўро замони собиқ иттифоқ сафидида бошқа халқлар, элатлар қаторида қирғиз халқи ҳам озмуноча жафолар келтирмади. Яхшики, зулм еририлди. Яхшики, истиқлол келди. Қирғизистон ўзини мустақил давлат деб эълон қилди, халқ ўз йўлини сайлаб олди. Мамлакатда мураккаб аммо умидбахш ўзгаришлар, ислохотлар жараёни бошланди.

Бугун ёш қирғиз республикасининг Президентининг халқроқ майдондаги борбиси ошиб бормоқда. Республикада кечаётган демократик жараёнлар ва амалга оширилган ислохотлар кўпчилиги ривожланган давлатлар, нуфузли халқроқ ташкилотлар томонидан ижобий баҳо-ланмоқда, моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

Қирғизистоннинг мамлакатимиз билан ўзаро ҳамкорлик ва яхши қўшничилик алоқалари ҳам тобора раванқ топишти. Ўзбекистонда 170 мингдан зиёд қирғиз яшайди. Тошкентда тузилган қирғиз маданияти маркази қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, турли халқларнинг яқинлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар ўртасида хомаш, бутловчи материаллар етказиб бериш борасидаги алоқаларнинг узилиб қоллиши қўшни республикалар, жумладан, Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги ҳисоб-китоб ишларини ҳам мураккаблаштирди. Лекин бу масалалар қисқа фурсатда ечимини топи. Қирғизистон Президентининг 1992 йил сентябрда Тошкентга қилган сафари чоғида икки мустақил давлат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларини ривожлантириш хусусида ҳужжатлар имзоланган бўлса, Аскар Акаевнинг 1993 йил май ойидаги ташрифида Қирғизистонда миллий пул — «сом»нинг тежвор жорий этилиши муносабати билан икки ўртада янги негиздаги ҳамкорликка асос солинди.

Юртбошимиз Ислам Каримов 1993 йилнинг август ойида амалий ташриф билан Қирғизистонда бўлди. Сафар чоғида Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат бошличилари 1994—2000 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги баёнотномани имзоландилар. Бу ҳужжат чикалда республикада ишлаб чиқилган миллий дастурларни мувофиқлаштириш, бир хил маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этмаслик, хомаш ва ишчи кучидан, илмий салоҳиятдан унумли фойдаланиш имконини беради.

— Сувимиз, еримиз бир бўлган Ўзбекистон билан дўстлигимизга ҳеч қим раҳна соломлайди, — деган эди Аскар Акаев. — Бу бирлик бизнинг мустақил давлатлар сифатидаги қудратимизни ҳам бир ўзига солади, кучайтиради. Ўзбекистон ҳукумати, ҳурматли Президент Ислам Каримов бизга ҳар жиҳатдан хайрихоҳлик қилиб, дунё миқёсидаги ишларини мизда қўллаб-қувватлаб келяпти.

Яқинда Марказий Осие давлатлари ва Россия Федерацияси раҳбарларининг Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Орол денгизи ҳавзаси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев. Тошкент 1992 йил.

даги муаммоларни муҳофаза қилиш, минтақадаги қўшни республикалар аҳолисини тоза сув билан таъминлаш борасида ҳам зарур дастурлар ишлаб чиқилганини таъкидлади. Умуман, Марказий Осиедаги жами давлатлар раҳбарлари минтақада вужудга келётган муаммоларни ҳал этишда баҳамжиҳат иш тутинишмоқда. Бу — қуварли, айни пайтда, табиий бир ҳол. Зеро, дили дилига, ери ерига туташ халқларнинг ўтти давридаги муаммолари ва шу муаммоларни бартараф эттиш йўлидаги интилишлари ҳам бирдир. Аслида, Марказий Осие давлатлари ҳамдўстлигини тузиш

дан мақсад ҳам ана шу интилишларни бирлаштириш, халқларимиз ўртасида асрлар давомида қарор топган дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб қоллиш ва ривожлантиришни иборат. Маълум ҳақдўстлигини барпо этишда, минтақадаги халқлар ўртасида яхши қўшничиликни ўрнатилган юртбошимиз Ислам Каримовнинг қатъий ва самарали сўй-ҳаракатлари Бишкекдаги нуфузли «Рухоният» халқроқ уюшмасининг этиборига тушди. Ўзбекистон раҳбари ушбу уюшманинг «Халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик учун» мукофоти соҳиб бўлди.

Ғулум МИРЗО,  
ЎзА мухбири.

## Режани бошидан пухта тузмасанг, ҳосилдан барака кутма

ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ХОДИМИ, ДЎСТЛИК ТУМАНИДАГИ ҚОСИМ РАҲИМОВ НОМИЛИ ШИРКАТЛАР БИРЛАШМАСИНИНГ РАИСИ ХУДОЙҚҮЛ ХОЛБЕКОВ.

Хўжалик раҳбари билан бўлган бир суҳбатда унинг айтган бу сўзлари анча рақдларга хайдан кўтарилмай юрди. Шу сабаб ушбу жамоа бу йилгидек оғир ва мураккаб об-ҳаво шароитида пахта тайёрлаш режасини туманда биринчи бўлиб бажарганида унинг сўзасолик қилмаганига ишонч ҳосил қилдик.

1993 йил натижалари ҳақида икки оғиз: 3003 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 27,6 центнердан ҳосил олиниб, 8300 тоннадан ортиқ хирмон уюлди. Ўттиририлган ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроги амалда наларда териб олинди. Ваҳром Ёсирганов, Мақсуд Саидов, Суниат Қўшилов, Рабим Шарипов каби механизматорларнинг ҳар бири 139—150 тоннадан пахта терилди.

Шу тариқа бошқа хўжаликларга қараганда 15—20 кун орада қолди. Бунинг устига ёзда ҳароратнинг пастга келиши қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Аммо бутун ҳаммасини эрта қолди. Уларнинг юзи ёрув бўлди. Ширкат деҳқонларининг қайфи чор, дили равшан. Режа ва мажбурият ошириб ўринлатилди.

Хўжаликда зафар маррасини ағдалган зеро ва ширкат бошлиқлари билан суҳбатлашсангиз, ўзлари яратган янгилар, бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил олинди ортирилган тақриблар ҳақида мароқ билан сўзлаб беришади.

— Одамнинг юзи шувут бўлмасин экан, — дейди йиллик режани биринчи бўлиб бажариб, хўжалик маъмуриятининг 50 минг сўмлик пул мукофотини олган авено етакчиси Собир Ирисоев. — Жамоамиз аъзолари 50 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Ишни шудорни сифатли ўтказишдан бошладик. Яганини вақтида қилдик. Ҳар гектар ерда ўртача 120—130 минг тулдан кўча сақлаб қолдик. Ўзини ҳам, машиналарнинг унуми юқори бўлди.

— Деҳқон ҳамини шароити ҳисобга олиб иш юритмасан, ланг об қолади, — дейди хўжалик раҳбари. — Бугун кўпчилик қандай қилиб куллик ўсишда 6—7 фоиз миқдорда пахта тайёрлаб давлатга топширди, деб хайрон бўлмоқда. Бунинг боиси — одамларимизнинг ишга сийдиридан қириниши бўлса, иккинчиси, меҳнатни ташкил этишга ижодий ёндашувдир.

Маъмур хўжалик нафақат Дўстлик туманида, балки Жинзак вилоятида хирмони салмоқли жамоалардан. Вилоятда 10 дан зиёд хўжалик зафар маррасини ағдалган бўлса, ялли ҳосилда ҳам, ҳосилдорликда ҳам Қосим Раҳимов номи иккери ширкатлар бирлашмасига тенг келадигани йўқ. Бунинг замирида катта меҳнат, азият, пешона терлари мўжассам.

Утган йил об-ҳавосининг мураккабликлари маъмур хўжалик деҳқонларига бошқаларга қараганда кўпроқ ташвиш келтирди, десак муболага бўлмас. Ўзини йўланг чигит экиб, уни элдинга тулқин ундириб олсангиз, бир кечада бутун меҳнатингиз қунара ку бўлса! Бунинг қанчалик оғирлигини умрида бир кув бўлса ҳам далага чиниб, деҳқончилик қилган одам билади.

1993 йил апрель ойининг охири эди. 3003 гектар ердаги гўзанинг ҳаммасини соғуқ уриб кетди. Деҳқон чеккан азиятнинг, афсуски, ўлчови йўқ. Узи бунёд этган ниҳолни ўзи чопди. Бошқа илож ҳам йўқ эди. 5 майдан бошлаб қайтадан чигит экиш бошланди. Бу иш 15 майда ниҳонига етказилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,  
Турдибой СОИНАЗАРОВ.

### Ўзбекистон—Россия

### Академияда таҳсил ниҳоясига етди

Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчихонасида Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Дипломатия академиясини битирган бир гуруҳ элчихона ходимлари га гувоҳномадор топиришга бағишланган таътанали йилнинг бўлиб ўтди.

1992 йили Ўзбекистон ҳукумати ҳамда элчихона таъабуби билан 31 нафар элчихона ходими Дипломатия академиясини қабул қилган экан. Улар бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида элчихона фаолиятига дахлдор мавзуда лекциялар тинглашди. Дипломатия соҳасида ишлаш учун зарур билим ва маълумани ўзлаштиришди.

Бугун академия ва элчихона ходимлари ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди — деди академия ректори С. Романовский ўз сўзида, — Академиямизнинг дипломатлар тайёрлаш курсини битириш ҳамдўстлигидаги мамлакатлардан биринчи бўлиб Ўзбекистон о н и н г Москвадаги элчихонаси ходимларига насиб этди.

Биз Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар ҳамда қўлга киришган ютуқлардан яхши хабардоримиз. Ўзбекистоннинг халқроқ миқёсдаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Унинг

ташқи сийасатда тутган ўз йўли ва ўрин бор.

Йилнинг якунида Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги факултетада ва мухтор элчисини Юсуф Абдуллаев Дипломатия академиясининг раҳбарлари профессор ва ўқитувчиларига кадрлар тайёрлаш, ходимларнинг маълумоти ошириш юзасидаги қўрсатилган ердан учун самийий миннатдорчилик билдирди. Ёш Ўзбек дипломатиясининг келажаги порлоқ бўлажани, Россия ва Ўзбекистон давлатлари ўртасидаги муносабатлар бундан кейин ҳам ҳар томонлама кенгайиши ва раванқ топиши алоҳида таъкидлади.

Йилнинг Россия федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг МДХ давлатлари Департаменти директори В. Кузнецов иштирок этди.

Фахриддин ПАРШИЕВ,  
Москва шаҳри.

### ИМПОРТДАН ЭКСПОРТГА

Устига трикотаж кишимлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Атана» қўшни корхонасининг фаолият дораси тобора кенгайиб бормоқда. 1994 йилда янги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ва Зарафшонда ил йилгирчи фабрикаси куриб битказиш

### Хатлардан сатрлар

### ФЕРМЕР ҲАМ ЭЛ-ЮРТ УЧУН ИШЛАЙДИКУ

Сўғим меҳнатда қотган. Фарзандлар билан фермер хўжалиги ташкил қилиш мақсадида ўзимиз яшаётган Арнасов туманидаги Ю. Фучик номи хўжалик ва туман раҳбарлари кузурда бўлидик. Улар ташкил қилинамак фермер хўжалиги учун мелноратив ҳолати яхшиланмайдиган ерни қўрсатишдан ва хоҳдасам маъмур ерин одишимни, бошқа ер берилмаслигини таъкидлашди. Уша йили, яъни 1992 йил молхона куришни бошладик. Молхонанинг устини ёпишга маблағ тополмай доғдамиз. Соғиб олинган сутни қабул қилиб оладиган сутхона қишлоғимиздан 20 км узоқликда жойлашган. Устига-устак беизининг ҳам нархи юқори. Давлатдан қарз олиш ниятида туман ҳокими Б. Холмуллога учрадик. У киши 50 минг сўмдан ортиқ қарз берилмаслигини айтди. Ҳозир 50 мингта нима беради? Агар фермер хўжалигига имкон берилса, ишнин тўғри ташкил этишга шароит яратилса, ишончим комилки, эл-юртинг дастурхони янада тўкин бўлади.

дан қўзи оқишлар бандеролига манзилгоҳин ҳам, тилиминизда қўйганим бонс мендан ноқонуний тарзда 110 сўм олиб қолди. Сабобини алоқа бўлими мудирини ўзбек тилини тушунмаслиги билан изоҳлади. А. ХАЙДАРОВ,  
Гуруҳ ногирони.

### БЕҲСОБ «МИННАТДОРМИЗ»

Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида истиқолат қилгани. Яқинда севилик газетасида чоп этилган «Олтинқўлдаги туриб, хоҳдасамиз Москва, истасангиз Мағданига қўнғирқ қиласиз», дея хабар беришга мақолини ўқиб, қўлимга қалам олдим. Шаҳрининг 57 ва 58 телефон станциялари ишдан қарийб тўрт йилдирки «қо-иниш» ҳосил қиламиз. Биз Тошкентдан Тошкентга телефон қўйиш халас бўлаётган бир даврда олтинқўлликларнинг Мағдани билан гап-лашмалари қизиқди. Сизлардан илтимос, бизнинг Тошкентдан Тошкентга озорланмай қўнғирқ қилишимизда ёрдам берсанлар. Х. ШОИМҚҮЛОВ,  
пенсиядор.

### САБАБИНИ БИЛМАЙМАН

Маълумки, республика миздаги қўзи оқиш ногиронларнинг бўртма қабарик ҳарфи ёпишма хатлари учун алоқа хизматида пул олимаслиги қўрсатилган. Бундай хатларга манзилгоҳ бўлишидан олдин «қўзи оқишлар бандероли» деб

### ГАЗНИНГ ҲАМ ТУГУЛ ҲИДИ ҲАМ КЕЛМАДИ

Музроботдаги айрим раҳбарлар алоҳида илтифатларга эга эканлар. Ишонмайсангиз? Тумандаги аҳоли истиқолат қиладиган барча жойлардан бундан бир неча йил муқаддам табиий газ ўтказиш мақсадида қузувлар келтирилди. Бирок У. Юсуфов, М. Ҳасанова, Ш. Бобоев, Лойиҳалаш, Чорвадор, С. Раҳимов кўчаларига газнинг ўзи тугул ҳиди ҳам етиб бормайди. Кимдир «газлаштириш раҳбарлар илайдиган кўчалардан бошлансин», деб қўрсатма берибди.

Камола ЮСУПОВА.

### ЧОРВАДОР МЕҲНАТИ ҲАМ ҚАДРИНИ ТОПСИН

«Халқ сўзи» нафақат меҳнат, балки давлат хўжалигимиз меҳнатқиларининг ҳам севилим газетаси десам, хато қилмайман. «Халқ оқо» давлат хўжалиги маъмурияти ташаббуси билан юз нафар пахтакор ва чорвадор «Халқ сўзи» газетасига бепул обуна қилинди. Газетада қўллаб тақлиф-мулоҳазалар чоп этилтирди. Бу яхши, албатта. Мен ҳам бир масалани мутахассис ва мутасаддилар ҳукмига ҳавола қилмоқчимман. Ҳозир кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархи кўпайиб бормоқда. Унинг ташкил этади. Унинг нархи оширилиб, ҳеч бўлмаса гўштининг нархига тенглаштирилса, чорвадорлар меҳнати янада қадрланган бўларди.

Я. НУРИДИНОВ,  
Пайриқ тумани.







Гулбадан БЕГИМ:

# «Подшоҳ бобом уйларига пиёда келдилар»

Тўққиз юз ўттиз учинчи йили Жумодул-аввал ойида сахар вақтида Сигри тоғининг эътидога [бу тоғнинг ўстида ҳозир Фатхур шаҳри бино қилинган] Раю Санго билан жанг бўлди. Худонинг инояти билан [подшоҳ] галаба қозондилар ва ғозий бўдилар.

Раю Сангонинг фатҳидан бир йил ўтга, онам — Моҳим бегим Қўбилдан Ҳандистонга келдилар. Мен ҳам подшоҳ Бобомни кўрганга у киши билан бирга опаларимдан олдин келдим. Онам кўлга етганларда, подшоҳ ҳазратлари ўз отлик маҳофа юбордилар. Биз қўлдан Аграга томон тез йўл олдик, подшоҳ ҳазратлари бизни Илоллоҳий кўлида учратишни мўлжаллаган эдилар. Номозом пайтида бир киши келиб, «Хазратиники кўрва нарида қолдириб келдим», деди. Подшоҳ Бобом ҳазратлари, то от келтиргунларича тоқат қилмай; пиёда йўлга тушиб, Нишча моҳим уйларига олдида биз билан учрашдилар. Онам отдан тушмоқчи бўлдилар, лекин подшоҳ Бобом кўймасдан, ўзларининг отларини яқиндан келгунча пиёда келдилар. Онам подшоҳ Бобомнинг олдида келганларда менга, кундузи келиб, Хазрат билан кўришни, деб буордилар.

Подшоҳ Бобом менга тўққизта туя, икки тўққиз от ва икки маҳофа юқлаган бошқа от юборган эдилар. Бир маҳофани Қўбилдан олиб келган эдилар. Умуман онамнинг юзга яқин мўғул зийнатлари билан ясаган чокчир отларга минган ҳолда келдилар. Бобомнинг халифаси Ғо хотинларни — Султоним билан бирга Навсидон деган жойда пешова чиқдилар. Мен маҳофада ўтирдим. Энага тарим менни бир кичик боқчада туртирдилар. Бир шолчанни ерга ёниб, менга шолчаннинг устини кўрсатиб, бобомнинг ўзининг халифаси билан келганда, ўрининдан туриб қабул қилди, деб ўргатдилар. Бобомнинг халифаси келиши биланоқ ўринидан туриб кўришдим. Шу вақт-

да у кишининг хотини Султоним ҳам келдилар. Мен билмасдан ўринидан турмоқчи бўлдим, буни кўриб, бобомнинг халифаси менга қария сизнинг қанизагингиз шу сабабли туринингиз ҳолати йўқ, деди. Отангиз бу қария фуломларини шу йўсинда буйруқлари билан мамнун қилганлар, банданинг бу буйруққа бўйсунмай иложи борми?

Бобомнинг халифаси менга беш минг шоҳрухий ва бешта от тақдим қилди. У кишининг хотинлари Султоним эса, уч минг шоҳрухий ва учта от бериб, нуношга таёёр, агар овқатлансангиз, бандлар жуда ҳам мамнун бўлар эдик, деди. (Бу тақдирини) қабул қилдим. Бир яхши жойда катта суна қилган ва бир неча чокчир ўрнатилган эди, улардан биттасининг устки қисми майин қилиб сунодан бўлиб, яқин томон гужарат зарбидан эди. Яна олтига зонтик шаклидаги чокчир ўрнатилган бўлиб, булар ҳам майин сунони ёни зарбидан эди. Ҳар биттаси ҳар рағда эди. Бошқа тўрт устулик шоҳона (чокчирлар) ҳам майин сунодан бўлиб, устуллари ҳар хил ранга бўлган эди. Мен бобом халифасининг уйда ўтирдим. Бизга ҳар хил овқатлар тортидилар. Эллика яқин қўй сўйилди, нувордоқ пиширилган эди. Нон ва ҳар хил мевалар, ширна ва шербатлар кўп эди. Овқатлиб бўлгач, маҳофага ўтириб, ҳазрат подшоҳ Бобом олдиларига бориб, кўришни оёқларига ўзимни ташладим. Ҳазрат кўп ҳолу аҳвол сўрадилар. Бир неча вақт тиззаларига олиб ўтирдилар, шу вақтда ўзининг шундай бахтли ҳис қилдикми, уни тасвир қи-


либ бўлмайд.

Аграга келганимиздан кейин уч ой ўтгач, подшоҳ ҳазратлари Дебалпурга кетдилар. Ҳазрат Моҳим бегим билан мен ҳам сайр қилиш мақсадида Дебалпурга жўнадик. Дебалпурда бир бутун (тошни) ўйиб ўн кв. газ ҳажмли ҳовуз ясалган эди. У ердан Сигрига жўнадилар. Кўлингиз ўртасига катта суна ясашни буордилар. Бу суна таёёр бўлгач, намага ўтириб, у ерга бориб, сайр қилар ва сунада ўтирар эдилар. У суна ҳозир ҳам сақланган. Сигрида борда шийон бино қилган эдилар. Бу шийонда «Турқона» (юқори хўжра) бино қилдириб, унда ўтириб Қуръон ўқир эдилар.

Мен ва Афғоний оғача динги эшқининг олдида ўлтирган эдик, онам номоз ўқимоқ учун туриб кетган эдилар. Мен Афғоний оғачага: «Кўлимдан тортинг», дедим. Афғоний оғача кўлимдан тортиди, кўлим чокчир кетди, орқича чиқолмай йилга бошладим. Охири қамонларни олиб келиб кўлимдан боғладилар ва сўнг Аграга қайтиб кетдик.

Аграга етган ҳам эдик, беғимлар Қўбилдан келиши деган хабар келди. Менинг катта амман подшоҳ Бобом ҳазратларининг катта опалари анақониники кутиб олиш учун то Навригонгача пешова чиқдилар. Ҳамма беғимлар катта амман билан кўришмоқ учун, у киши келган жойга йилга келган Кўп хурсандчилик бўлди. Хўжра шўр қилиб, Аграга қайтишди. (Подшоҳ) ҳамма беғимларга ҳовли жойлар инъом қилдилар. Бир неча кундан кейин сайр қилиш ниятида Зарафшон боғига кетдилар. Бу боғ бир таҳоратхона қурилган эди. Буни кўргач, подшоҳ: «Кўнглим салтанат ва подшоҳликдан олдинди, шу Зарафшон боғида бир хўжрада ўтирсам, менинг хиёматим учун Тоҳир офтобчи ҳам етиб ортди, подшоҳликни Хумоюнга берсам» дедилар. Шу замон онам ва отамнинг ҳамма фарзандлари бу гапдан гагиниб бўлиб йилгашиб, «Худонинг тақдирини» подшоҳлик мансабидан тўстин, кўп йиллар ва беҳисос асрлар ўз паноҳида асраган, ҳамма фарзандларингиз ўз кўл остида камолотга етишсин» дейишди.

«Хумоюнонома»дан олинди.



РЕГИСТОНДА ҚИШ

Орадан губорлар ариб, ниҳоят — Борлида жиниллар шаффоф тиниқлик. Ютганда, дур юғди сабр-қаноат. Буояқлик келтирди Ерга синиқлик.

У Кўни баҳорда атирга кўйдим, Поиға бол тўхта ёзда Осмоннинг.

Қалдироқ, чақмоқлар ваҳимга кўчди, Бўйинга тумордай тақди хазонини.

Тасанно беғимнат содиқ меҳрга, Ниҳоят, Ерга Кўк ОҚЛИК йўллабди! Икки ҳақ бир-бирин тан олган ерда — Уларни минорлар мангу улабди!

Муқаррама МУРОД қиз.

## ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

Беш нарса ақлли одам хислати: қўлдан кетган нарсаса ачинаб, ўтирмастик, меҳнатдан қўқмаслик, магар бўлмастик, қўлдан келмаган ишга киришмаслик ва хоҳлаган нарсаси қўлга кирмаганига қайғурмаслик.

Олти нарса роҳатда яшашга ердан берилди: ниҳангани, ҳақнинг дўст, тарбияли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин, мақбул сўз ва ақлу фаросат.

Айтишларича, Пифагорнинг узугига шундай сўзлар ёзиб қўйилган экан: «Қишқа мўддатли муваффақиятсизлик қишқа мўддатли муваффақиятдан яхшироқдир».

Кишилардаги тўққиз иллатдан ҳамма нафрат қилади: жоҳиллик, ялғовлик, ҳасад, таабобурлик, хиёнат, таъмағирлик, ғазаб, янвогарлик ва мунофиқлик.

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БУЛАДИ

### СЕЗГИР ТЎРҒАЙЛАР

Бу воқеани саратон пайтлари дала-дашдан янтоқ чопиб юрган кезларимда кузатгандим. Жазирама иссиқда тўрғайлар ёшанга янтоқ тағларидан ноҳосдан учиб қолар, мен эса айнан шу жойлардан уларнинг уясини ахтарардим.

Баъзан топардим ҳам. Уяда уч-тўрт дона тухум ёки паллоңчалар бўларди. Уларни ҳавас билан пайпаслаб кўрардим, тухумларни синдиришни ҳаяжонга ҳам келтирмасдим. Эртаси кўни тўрғай уяси бўм-бўш турарди. Уларда на тухум, на паллоң бўларди. Бир неча бор шу ҳол такрорланди. Аввалги таажжубландим: эҳтимол илон ёки нарткасек еб кетгандир.

Бир кўни тухумларга биллар-билмас бўёқ суртиб қўйдим. Эртасига тухумлар яна «йўқонди». Уша кўниги янтоқ чопиш

ҳам насияга қолди — кўйиб бўйи тўрғай уясини изладим. Бир неча уялардан тухумлар «менгик» эмас эди. Ниҳоят, топдим. Бўёқланган тухумлар олдинги уядан 120—150 қаддам нарида — тўрғайнинг янги гўшасида турарди. Уйладим: нахотки тўрғайлар шунчалик сезгир бўлишса? Тухумларни у қандай ташиди экан? Еҳуд уяларда ҳам ҳид билуш сезгисиз борми?

Сирли дунёда бу саволлар ҳам сирлигича қолиб кетди...

Жўшқин.

## Спорт, спорт, спорт.

### «ОЛТИН БУТСИ» АДВОКАТАИГИДА

ТУРКИЯЛИК футболчи Т. Чолак Евро-1990 йилда тўрварларни баҳсда голиб чиқиб, у яна футболчи мартга (1988, 1990 йиллар) «Олтин бутси» совринига эга бўлган эди. Яқинда «Мерседес» ли автомобиль олиб, кўригани учун жиний жавабгарликка тортилади. Дастлаб уга 9 йиллик қамоқ ҳукми эрилди. Бироқ, Туркия футбол тарихида энг юқори сўғига кўтарилган бу антиқа кишининг жаза муддати деярли ярмига қисқартрилди.

Р. ЖУМАЕВ.

## ЭШТИМОДИМ

### ТУҒИШ... ЕШ ТАНЛАМАЙДИ

ГИННЕСНИНГ рекордлар китобида яна бир ажаботвор янгилик қайд этилди. ЛОНДОН туғруқхоналаридан бирида 59 ёшли аёл кўзи ёриди. Шунинг ўзиде Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилган камёб воқеа эди. Аммо бу аёл шу ёшда бир йўла эгизак туғиб, одамлар ҳайратини яна бир қарра очирди. Бу ҳам ҳаммаси эмас — аёлга ўзга хотиннинг бақадони кўчириб ўтказилиб, сўнгий ҳомилалор қилинган эди.

### БУНДАЙ ОМАДИН ФАҚАТ ОРЗУ ҚИЛИШ МҲМКИН

АМЕРИКАЛИК икки ҳабаш — бири пенионер, бири ишсиз — Рождество байрами арафасида лотерея билетининг АҚШ тарихидаги энг катта ютуғига эга бўлишди.

БАХТЛИ билет соҳибларининг ҳар бирига 45 миллион доллардан ютуқ топирилди. 35 ёшли ишсиз Чак Дилл хурсандлигини яширолмай, нуқул кулса, 69 ёшли пенионер Перси Приджен ҳадеб кўз ёшларини артади. Чунки ҳар икиси ҳам эларини танганларидан бери қашон яшаган. «Мен самолётга ўтирамун Парижга учаман, чунки бу афсонавий шаҳарни кўришни умрим бўйи ору қилиб келаман» — дейди Чак. «Мен камбағаллар яшайдиган даҳани тарк этиб, Вашингтондан катта уй сотиб оладим» — дейди Перси.

### ТЎҚСОН ТЎРТ ЕШИДА... УНЛАНДИ

ТУРМУШНИНГ ёзилмаган шундай қонуларига бориб, ўнланган, эрга тегиб баъзан на ёш, на нар таялди.

УРУҒБАВЛИК машхур ёзувчи, Ингизманд энг китобининг муаллифи Илдебак Валдес яқинда Мариана Гонсалес Исмаил аёлга уйланди. Гап шунданки, Валдес 94 йилда, Гонсалес эса 25 да, Ўшларидеги 10 йиллик фарқ янги келин-кўёлар учун галати тўғулмади. Чунки улар 11 йилдан бери танишлар. Уша пайтларда Мариана кекса ва бева ёзувчига қўманлашиб юрарди. Кейин бошқа эрканга турмушга чиқиб, икки қизи бўлди. Аммо нима учундир яна кекса ёзувчи ёнга қайтишни афзал кўрди. Ҳар ҳолда боилки учун эмас. Чунки Валдес оидийгина уйда ишарада яшайди.

### ДИНОЗАВР ТИШНИНГ ХУСУСИЯТИНИ БИЛАСМИЗ?

НОВГОРОДЛИК С. исмли шахс динозаврнинг асл тишини сотагани маҳаллий матбуотда эълон қилди.

ХАВАР чоп этилган кунданоқ улдабурун кишининг телефони тинмасиз жиринглай бошлад. Чунки, у шифобахш суяк ҳар қандай ёшдаги кишининг эркаклик хусусиятини оширишни эълонга илова қилган эди. Хуллас, бу ноёб тарихий «товар»ни Санкт-Петербурлик ёш ишлардон беш минг доллар (6 миллион рубль)га сотиб олди.

### ЖАХОНГАШТА ЛАЙЛАК

ЧЕРНОВЦИ вилоятининг Васловица қишлоғи яқинида мақон тугган лайлак бехосдан элзегр сиймага урилди, ҳалок бўлди.

ҚИШЛОҚ одамлари лайланнинг оёғидан хат уралган халқча топиб олдилар. Унда шундай ёзув бор эди: «Польша, Орнитология станцияси. У Гданск, 1340». Вилоят олимлари лайланнинг қай даражада жаҳонгашта эканини аниқладилар. У асосан Белая Подлясия яқинидаги дарё қўлида яшар экан. Польшани зоологлар 1982 йил 26 феврал кўни лайлани уша ерда тутиб, оёғига халқча боғлаган эканлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўшмадаги Жумхурият хўжалик ҳисобидаги хўжуқий Ердам кўрсатиш маркази жамоаси маркази Бош директорининг ўринбосари М. Н. Топилова оналари Умри ая ТОЛИПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этиб, ҳамдардин билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси компания адиля хизматининг ётақчи мутахассиси Баҳодир Анарбоевга оталари НЕЪМАТИЛЛА қорининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси компания адиля хизматининг ётақчи мутахассиси Баҳодир Анарбоевга оталари НЕЪМАТИЛЛА қорининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Замира ВАЛИЕВАНИНГ вафоти муносабати билан таъзия изхор қилади.

«Уздавнефтмаҳсул о т» ҳисабдорлик бирлашмаси жамоаси Навоий вилояти нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси директори Салайдин Жамоловга отаси Сиддиқ ЖАМОЛОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

## ТОШБАҚА БОҚАЁТГАН ФЕРМЕР

Сирдарёлик фермер Абдуназар Мирзаев ўз хўжалигида тошбақа кўпайтиришга қарор қилди. Бу тадбир Абдуназардан ҳам кўра кўпроқ маҳсулот олишга йўл очди. Фермер аса аллақачон тошбақадан олинган даромад ҳомчўтин қилиб қўйган. Негаки унинг киши хўжалигини кўп соҳага иктисослашган. Хўжаликда сабзавот, хўл мева, пахта маҳсулотлари ва ҳатто балли ҳам етиштирилади. Олинган даромад эса ишлаб чиқаришнинг кенгайтиришга йўл очди. Консервалаш леҳи, сабзавот-мева сақланадиган катта омор қурилди қишнинг давом этмоқда. Мева ва сабзавот қуришти, омухта эм таёёрлаш бўлимадари эса, аллақачон ишга туширилган.

Хумоюн ЭРМУХАММАД

Халқ сўзи  
НАРОДНОЕ СЛОВО  
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ  
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:  
Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирған БОЛИБЕВ (масъул котиб), Эркин ВОХИДОВ, Мираниял МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУХИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), «Халқ сўзи», Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), «Народное слово», Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қаҳрамад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб), «Народное слово», Шавкат ЯҲҲЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммад-жон ҚОРАБОВ, Саидхорр ҒУЛОМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:  
700000, ГСП  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Набатчи муҳаррир А. Иўлдошев, набатчи Ш. Мутаҳаррамов усн.